2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

48 (598)

2007 йил 28 ноябрь

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Хайрли ишга ҳолвачи ҳам ҳисса қўшди
▶ Мурувват нури қалбимизни ёритсин!

3 ▶ «Боғистон-нон»дан 30 мингта нон
▶ Тенгини топмаганлар тақдири

4 ▶ Келин сепли бўлмаса-да, эпли бўлсин!
▶ Куёвни ёв билманг, қуда!

Тошкент вилояти

Маълумки, айни кунларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик ишлари қизғин амалга оширилмоқда. Янгийўл шаҳрида жойлашган 199-сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида овоз бериш ҳуқуқига эга 2716 нафар фуқаро рўйхатга олинди.

СУРАТДА: *199-сайлов участкаси раиси Венера Очирова (чапдан) ва округ сайлов комиссияси аъзоси Вячеслав Цой сайловга тайёргарлик ишларини кўздан кечирмоқдалар.*

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 27 ноябрь куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қашқадарё округ сайлов комиссияси раиси Н.Янгибоев очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар ўз ифодасини топган. Шунингдек, аҳолининг реал даромадларини муттасил ошириб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Таъкидланишича, 3 йил мобайнида аҳолининг реал даромадлари 2-2,5 баробар оширилади. Шу билан бирга, маданий-маърифий ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар изчил давом эттирилади.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия таъминоти тизими такомиллашиб, пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил ошмоқда. Буларнинг барчаси, ислоҳотларнинг самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиб, халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга оид стратегик вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётгани туфайли эришилаётган юксак натижалардир.

Ислом Каримов ўз нутқида Қашқадарё заминида вояга етган Амир Темур ва Абу Насафий каби буюк аждодларимиз билан халқимиз ҳақли равишда фахрланишини таъкидлади. Ўзбекистонда қазиб олинаётган газнинг 88, нефтнинг 93 фоизи Қашқадарё вилояти ҳиссасига тўғри келади. Шўртан, Муборак ва Кўкдумалоқда ишга тушган йирик ишлаб чиқариш корхоналари вилоятнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширишга хизмат қилди.

Учрашувда Қашқадарё вилояти Пахта уруғчилиги бирлашмаси раиси Шодиёр Хўжаназаров, меҳнат фахрийси Хўжам Норқобилов, Муборак газни қайта ишлаш заводи директори Ўктам Умаров, Нишон туманидаги «Лёва» фермер хўжалиги раҳбари Лев Ким, Қарши ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси Зебунисо Шодиева мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

А.БОБОЕВ,
А.МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА махсус мухбирлари.

Ислоҳот самараси

АСКАР ИМТИЁЗ БИЛАН ҚАЙТАДИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида замонавий ва профессионал миллий армиямизни шакллантириш борасида қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши ана шундай ислоҳотлар учун ҳуқуқий пойдевор бўлди. Шунингдек, ҳарбий хизматга қабул қилиш, уни ўташ тартиб-қоидаларига ўзгартиришлар киритилиб, ҳарбий хизматнинг муддатли, сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат, контракт асосидаги ҳарбий хизмат ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати турлари жорий этилди.

Маълумки, Президентимизнинг Қарорига биноан ҳар йили баҳор ва куз мавсумида чақириқ ёшидаги йигитларни ҳарбий хизматга чақириш ишлари бошланади. Хизматни ўтаб бўлганлар эса ушбу даврда резервга бўшатилади. Ушбу тадбирларга жойлардаги мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари томонидан йил давомида тайёргарлик кўрилади, хизмат ёшидаги йигитлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилади. Бу борада бизга маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари яқиндан ёрдам беришмоқда. Улар кўмагида жойларда чақирув ёшидаги йигитлар билан мулоқотлар, давра суҳбатлари ташкил этилиб, бўлажак аскарлар Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти билан таништириляпти, ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларга яратилаётган имтиёзлар ва имкониятлардан бохабар этилмоқда. Натижада бугунги кунда ёшларимиз орасида ўз йигитлик бурчини ўташ иштиёқидаги ўғлонлар сафи ниҳоятда кенгайди. Шу боис, айни пайтда йигитларимиз учун нафақат ҳарбий хизматни ўташ, балки унга қабул қилиниш жараёни ҳам том маънода имтиҳон, қатъий синов даражасига кўтарилган. Негаки, ҳарбий хизмат сафига қабул қилишда жорий этилган тартиб-қоидаларга кўра, эндиликда ёшларнинг нафақат жисмоний баркамоллиги ва соғломлиги, балки интеллектуал салоҳияти, билим даражаси ҳамда шахсий мослашув имконияти ҳам алоҳида инобатга олинмоқда. Ана шу талабларга жавоб берадиган, саралаш синовларида юқори балларни тўплай олган чақирилувчиларгина муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинадилар.

Ўз навбатида муддатли ҳарбий хизмат турини намунали ўтаган аскарлар учун ҳам бир қатор имтиёзлар мавжуд. Жумладан, Президентимиз Қарорига мувофиқ Қуролли Кучларимиз сафида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаган фуқаролар учун республикамиздаги олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларидан тўпланадиган энг юқори баллнинг 25 фоизи миқдорида қўшимча балл олиш, мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари қошидаги тайёрлов курсларида ҳеч қандай тўловсиз таҳсил олиш, тиббий хизмат ва шаҳар йўловчи ташиш транспортидан бепул фойдаланиш, аскар Қуролли Кучлар сафида бўлган даврда унинг оила аъзолари ер солиғидан озод қилиниши каби имтиёзлар яратилган. Бундан ташқари, ҳарбий хизматни ўташ чоғида аскарларимиз керакли мавсумий кийим-кечаклар, юқори калорияли озиқ-овқатлар билан таъминланади. Шу билан бирга уларнинг маънавий етуклигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Айнан шу мақсадда ҳарбий қисмлар қошида маънавият-маърифат хоналари ташкил этилиб, турли маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш анъанага айланган.

Бинобарин, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимизнинг ишга, ўқишга жойлашишларида ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла мутасаддилари, туман меҳнат ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатишяпти. Ёки касб-ҳунар ўргатувчи курсларга, ўқув марказларига йўлланмалар берилмоқда. Хуллас, резервга бўшаган аскарларнинг ҳарбий хизматдан кейин муносиб ҳаёт кечиришлари учун ҳар томонлама кўмак берилаётир.

Ҳа, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар, хайрли ишлар ёш авлоднинг қалбида ватанпарварлик туйғусини жўш урдирмоқда. Йигитларимизнинг ҳарбий хизмат даврида ўзлаштираётган билим ва кўникмалари эса, шубҳасиз, уларнинг ўз Ватанига муносиб ўғлон бўлишида муҳим омил бўляпти.

Рашид АРАМОВ,
Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бўлим бошлиғи, полковник.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн иккинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлиси 2007 йил 30 ноябрь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2007 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

"...Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт..."

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 28-моддасидан.

Спортчиларимиз довруғи

СУЗУВЧИЛАРИМИЗНИНГ ТЎҚҚИЗ МЕДАЛИ

Сузиш бўйича Сянгань очиқ чемпионатида иштирок этган ўзбекистонлик спортчилар тўққизта олтин медални қўлга киритди.

Мусобақада Саида Искандарова шогирдларидан Олег Ляшко баттерфляй усулида сузиш бўйича 50, 100 ва 200 метрга ўтказилган беллашувларда маррага биринчи келиб, учта олтин медалга сазовор бўлди.

100 ва 200 метр масофага брасс усулида сузишда тенгсиз, деб топилган Андрей Морковин ва худди шу масофаларга чалқанча сузишда биринчи ўринни эгаллаган Сергей Паньков терма жамоамиз ҳисобига иккитадан олтин медаль келтирди.

Эркин усулда сузиш бўйича Данил Тулупов 50 метрга, Пётр Ромашкин 200 метрга ўтказилган беллашувларда биринчи ўринни эгаллади.

ҲАМЮРТИМИЗ КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Россиянинг Ханти-Мансийск шаҳрида шахмат бўйича дунёнинг қирқ етти мамлакатидан келган энг кучли 128 нафар шахматчи ўртасида жаҳон кубоги мусобақасининг биринчи босқичи якунланди.

Нуфузли мусобақада юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган 18-жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов биринчи босқичнинг икки асосий партиясида ҳиндистонлик Г.Ғопал билан дуранг ўйнаган эди. Мусобақа қоидасига кўра, ушбу жуфтлик ғолиби тай-брейкда аниқланди.

Рустам Қосимжонов тай-брейкнинг дастлабки икки учрашувида ҳам рақибини енголмади. Бироқ кейинги бир жуфт партияда 19 ёшли ҳиндистонлик шахматчи ҳамюртимизнинг устунлигини тан олишга мажбур бўлди. Кетма-кет икки марта рақибини мот қилган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер 4:2 ҳисобида зафар қучиб, кейинги босқичга ўтди.

Жаҳон кубоги мусобақасида дона сураётган яна бир ҳамюртимиз Антон Филиппов учун биринчи босқич муваффақиятсиз якунланди. Жаҳон чемпионатининг вице-чемпиони – Владимир Акопянга (Арманистон) рўбарў келган ёш шахматчимиз асосий партияларда рақибига муносиб қаршилик кўрсатиб, дурангга эришди. Тай-брейкнинг биринчи партиясида ҳам Антон Филиппов ишончли ўйнади ва арманистонлик гроссмейстердан ярим очко олишга муваффақ бўлди. Лекин тажриба бобида анча устун бўлган Владимир Акопян тай-брейкнинг иккинчи учрашувини ўз фойдасига ҳал қилди. Умумий ҳисоб – 2,5:1,5.

Мусобақа давом этмоқда.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига

ҲАЁТИМИЗНИНГ ҚОМУСИЙ АСОСИ

Яқинда мамлакатимизда умумхалқ байрамларидан бири — Конституция куни нишонланади.

— Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар махсус ишлаб чиқилган дастур асосида байрамга тайёргарлик ишларини ташкил этишяпти, — дейди "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими бош мутахассиси Барно Самиева. — Мақсадимиз мамлакатимиз ҳаётининг қомусий асоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини кенг тарғиб қилиш, аҳолига, айниқса, ёшларга унинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва бу орқали фуқароларнинг ҳуқуқий-сиёсий онгини оширишдан иборат. Вилоятимизда мавжуд 1067 та маҳаллаларнинг барчасида Конституциямиз мазмун-моҳиятини акс эттирувчи "Конституция бурчаги" ташкил қилинган. Давлатимиз рамзлари акс этган плакатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Конституция ва бошқа бир қанча ҳуқуқий нашрлардан кўргазмали қуроллар сифатида фойдаланилмоқда. Бундан ташқари, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддилари, депутатлар, ижодкорлардан таркиб топган гуруҳлар тузилиб, кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумки, халқимиз муҳим сиёсий-ижтимоий воқеа — Республикамиз Президенти сайлови арафасида турибди. Бу тадбир олдидан фуқароларимизда ижтимоий-сиёсий фаолликни кучайтириш, сайлов жараёнларига ҳар бир шахсда мустақил ва онгли муносабатни шакллантиришни мақсад қилиб хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида "Ўзбекистонда жамият ва шахс муносабатларининг конституциявий асослари" мавзусида учрашувлар ўтказилмоқда.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

— Яна нима дейсиз?
— Бугун армиямиз сафига сара ўғлонлар олинаётган экан.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz

E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«M.R» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2008 йил учун обуна давом этмоқда.
Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинишдан кўра эртанги кун учун қайғурган афзал.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Жиззах вилояти

Меҳр-мурувватга муҳтож, кўнгли кемтик инсонларга саховат кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос азалий одатлардан бири. Бу масала давлатимиз сиёсати даражасига кўтарилгани ҳам бежиз эмас. Ногиронлар жамиятининг Жиззах вилоят бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида вилоятдаги 30274 нафар ногирон давлат томонидан кўрсатилаётган ҳамхўрлик билан бир қаторда саховатпеша юртдошларимиз мурувватидан ҳам баҳраманд бўлмоқда.

Мурувват — кўнгилга рағбат

Жорий йилда "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган тадбирлар режаси бўйича иш олиб бордик. 17 нафар ногиронга имтиёзли микрокредит ажратилиши, уларнинг моддий аҳволини яхшилаш билан бирга жамиятимизга ҳам наф келтирмоқда. Ногирон йигит-қизларни компьютер оператори мутахассислиги бўйича ўқитиш ва иш билан таъминлаш мақсадида жамиятнинг шаҳар бўлими Ўзбекистон нодавлат-нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди томонидан таъсис этилган танловларда қатнашиб, 8 млн. 68 минг сўмлик грант совриндори бўлди. Грант лойиҳаси асосида 4 дона компьютер, нусха кўчириш аппарати ва бир неча тўплам стол-стулларни қўлга киритди. Ҳозирги кунда бўлим томонидан 12 нафар ёш компьютер мутахассислиги бўйича ўқитилмоқда.

Бўлимимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ногиронларнинг малакаси ва соғлигига мос иш ўринларини яратиш мақсадида 4 та шўъба корхонаси ташкил этилди. Хусусан, ҳозирда полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқараётган "Мадад-Пласт" корхонаси фаолиятини янада кенгайтириб, даромадини оширишга ҳаракат қилмоқда. "Бахтиёр ўғли Суҳроб", "Бахтиёр Ҳамро бобо", "Матлуба-Улуғбек" шўъба корхоналари эса яқин кунларда ишга туширилиб, 21 нафар ногирон доимий иш ўрнига эга бўлади.

Жамиятимиз томонидан турли байрам ва муҳим саналарни нишонлашга жиддий тайёргарлик кўрилади. Чунки ногиронлар ҳам жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Қолаверса, улар бундай тадбирларда бажонидил иштирок этишади, руҳий мадад олишади. Наврўз байрами муносабати билан уюштирилган тадбирга 300 нафар ногирон таклиф этилиб, дастурхон ёзилди, совғалар улашилди. Бўлим жамғармаси ҳисобидан 184 нафар ногиронга бир миллион 840 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Хотира ва қадрлаш куни, Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни ҳам ўзига хос нишонланди.

Ногиронлар меҳнати ва ижодини рағбатлантириш мақсадида кўрик-танлов, кўргазмалар ташкил этамиз. Жиззах шаҳридаги Ҳамид Олимжон номли боғда ўтказилган "Мафтункор ранглар дунёси" кўрик-танловининг вилоят босқичида 30 нафар ҳаваскор рассом иштирок этди. Таниқли мусаввирлардан иборат ҳакамлар ҳайъати форишлик болаликдан ногирон Гўзал Аҳмаджоновани биринчи, ғаллароллик Диёра Эшонқуловани иккинчи ўринга лойиқ деб топди. Улар танловнинг республика босқичида ҳам фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди.

Халқаро ногиронлар куни арафасида вилоят ногиронлари ўртасида спортнинг шахмат, шашка, арқон тортиш, стол тенниси, мини футбол ва бошқа турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Мусобақа ғолиблари ва иштирокчиларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган "Яхшиликка умид" халқаро хайрия ташкилоти бўлимимиз ҳисобига 20 млн. сўмлик совға-саломлар, кўзи ожизлар мактаб-интернатига эса ўқув қуроллари тақдим этди. "Маҳалла маркази"да бўлиб ўтган тадбирда ташкилот томонидан ногиронларга дала шароитига мослаштирилган 10 дона аравача, махсус қўлтиқтаёқлар, ўқув қуроллари ва кийим-кечаклар тарқатилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун халқимиз орасида ногиронларга мурувват қўлини чўзаётган ва хайрли амалларни бажаришга бел боғлаган юртдошларимиз кўпаймоқда. Зеро, ўксик дилларга қувонч бағишлаш ҳам савобдир.

Абдулла ҚАРШИБОЕВ,
Ногиронлар уюшмасининг Жиззах вилояти бўлими раиси.

Саховатпешалардан

Бухоро вилояти

"Маҳалладан айланай"

— дейди Ромитан туманидаги Хоса маҳалласида яшовчи Хулоса Самиева

Бу таъкид бекорга эмас, албатта. Яқинда "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси ҳисобидан Х.Самиевага бир бош қорамол ҳадя қилинди.

— 3 нафар фарзандим бор. Турмуш ўртоғим касаллик билан оғриб, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолгани учун иқтисодий жиҳатдан бироз қийналиб қолган эдик. Ўзимиз истиқомат қиладиган маҳалла фуқаролар йиғини ёрдам қўлини ҳамиша чўзиб турди. Айниқса, жамғарманинг туман бўлинмаси томонидан сигир ҳадя қилингач, оиламиз билан беҳад хурсанд бўлдик, — дейди Хулоса опа.

— Жорий йилда бўлинмамиз ташаббуси билан туманимиз бўйича 365 та кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол тортиқ қилинди, — дейди жамғарманинг туман бўлинмаси раиси Аҳмад Мустафоев. — Шундан 8 та қорамол фермер хўжаликлари ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан олиб берилди.

Бундан ташқари, тумандаги 41 та эҳтиёжманд оилага бўлинма маблағи ҳисобидан 4 миллион 286 минг сўм миқдорида моддий ёрдам пули ажратилган. Ҳозирда бўлинма фаоллари Ногиронлар куни арафасида ўксик кўнгилларга шодлик улашишни ният қилишмоқда. Шу боис, уларни тўкин дастурхон атрофига жамлаб, совға-саломлар улашиш режалаштириляпти.

Ҳамроз АЛИ,
"Mahalla" мухбири.

Навоий вилояти

БЎЛИНМАНИНГ БЕҒАРАЗ ЁРДАМИ

Навоий шаҳридаги мавжуд 30 та маҳаллада бугун осойишталик, фаровонлик ҳамда аҳил-иноқликни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалладошлар ўртасида меҳр-оқибат ришталарининг мустаҳкамланиб бораётганини уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги ва саховатпешалиги исботлаб турибди. Ҳудудда, айниқса, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Шаҳримиз маҳаллалари асосан кўпқаватли уйлардан иборат. Айни пайтда ушбу маҳаллаларда қишки мавсумга тайёргарлик ишларини олиб боряпмиз, — дейди "Маҳалла" жамғармаси Навоий шаҳар бўлинмаси раиси Рамазон Раҳмонов. — Шунингдек, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури талабларидан келиб чиқиб, бўлинмамиз ҳисобидан шаҳардаги "Меҳрибонлик уйи"га 10 миллион сўмлик беғараз ёрдам кўрсатилди.

Бинобарин, бўлинма ўз ҳисобидан Ҳаёт маҳалласи фуқаролар йиғини биносини қайта таъмирлашга ҳамда 4 та маҳалла идорасини замонавий компьютер жиҳозлари билан таъминлашга ҳомийлик қилди.

Абдумажид ЖЎРАЕВ

ХАЛҚАРО ХАБАРЛАР

АҚШ:

ХАВФЛИ ЮК ОРТИЛГАН ПОЕЗД "УЧИБ КЕТДИ"

БАЛТИМОР шаҳрида маълум шарт-шароитда сақланмаганда инсонлар саломатлиги ва атроф-муҳитга хавф солувчи кимёвий ашёлар ортилган юк поезди изидан чиқиб кетиб, ҳалокатга учради.

Ўн иккита цистерна-вагонлар темир йўл изидан "учиб кетган", бештаси эса ағдарилиб тушган. Ҳалокат туфайли нобуд бўлган кишилар ҳақида ҳозирча ҳеч қандай маълумотлар берилмаган, дея хабар қилади Associated Press. Воқеа содир бўлган жойда ҳалокат асоратларини бартараф этувчи мутахассисларнинг махсус гуруҳи ишламоқда. Ушбу ҳалокат АҚШ Миллий футбол лигасига қарашли ҳашаматли стадион жойлашган ва бир нечта асосий магистрал йўллар кесишган жойда юз бергани туфайли катта ҳудудда транспорт воситалари ҳаракати вақтинча тўхтатиб қўйилган.

Ҳалокатни келтириб чиқарган сабаблар ва ундан кўрилган моддий зарар миқдори ҳозирча сир тутилмоқда.

Франция:

БЕБОШ ОЛОМОН ПОЛИЦИЯ УЧУН "БОШ ОҒРИҒИ"

AFP агентлигининг хабар беришича, Франция пойтахти Париж шаҳри атрофидаги ҳудудларда бир неча кундан буён давом этиб келаётган тартибсизликларни бартараф этиш ишларида қатнашган полициячилардан 64 нафари жароҳат олган, беш нафар оғир жароҳатланган полициячи эса шифохоналарга жойлаштирилган.

Париж яқинида жойлашган Виле-ле-Бел мавзесида душанбадан сешанбага ўтар кечаси тартибсизликларни авж олдирган бебош ўсмирлар томонидан 36 та автомобил ёндириб юборилган. Тартибсизликлар туфайли йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва 15, 16 ёшли икки ўспирин ҳалок бўлган. Ўсмир йигитларни босиб кетган автомашина полицияга тегишли экан. Бу ҳолат ҳудудда юзага келган оғир вазиятни янада мураккаблаштирган. Энг ёмони, бебош ўспиринларга ўнлаб маҳаллий фуқаролар ҳам қўшилган. Оломон кўчаларни тўсиб қўйган, полициячиларга қарата тош ва темир-терсаклар, ёнувчи суюқлик тўлдирилган шиша идишларни улоқтирган. Бунга жавобан ҳуқуқ-тартибот ходимлари кўздан ёш оқизувчи газ ва резина ўқлардан фойдаланишган. Тартибсизликлардан талофат кўрганлар сони хусусида аниқ маълумотлар йўқ.

Франция президенти Николя Саркози фуқароларни осойишталик ва тартибни сақлашга чақирди.

Ироқ:

"КИМЁВИЙ АЛИ"нинг БОШИ ТОШДАН ЭКАНМИ?



ИРОҚ парламентига курдлар ва шиалардан вакил этиб сайланган депутатлар Саддам Ҳусайннинг собиқ ҳаммаслаклари — "Кимёвий Али" лақаби билан машҳур Али Ҳасан ал-Мажид ва Ироқнинг собиқ мудофаа вазири Султон Ҳошим ал-Таи ҳамда собиқ ҳарбий қўмондон Ҳусайн Рашид ал-Тикритиларни қатл этиш муддати кечиктирилаётгани муносабати билан кескин норозилик билдирмоқдалар.

Бу шахслар жорий йилнинг 24 июнида Ироқ Олий трибунали томонидан дорга осиш орқали қатл этиш жазосига ҳукм этилган эди.

Али Ҳасан ал-Мажид "Кимёвий Али" деган лақабни 1980 йилда ироқ курдларига қарши амалга оширилган "Анфал" ҳарбий амалиётлари даврида орттирган эди. Ушанда унинг буйруғига асосан курдларга қарши кимёвий қурол ишлатилганди.

Қатл муддатини кечиктириш ташаббуси америкалик ҳарбийларга тегишли. Уларнинг фикрича, масаланинг "ҳуқуқий-маъмурий" жиҳатлари ҳали тўлиғича адо этилгани йўқ. Ироқлик депутатлар эса америкалик ҳарбийларнинг бу қарорини "конституцияни поймол этиш" ва "одил жазолаш тамойилларини бузиш" дея баҳоламоқда.

Дастлаб жазони амалга ошириш 2007 йилнинг 4 октябрига белгиланган эди. Бу сана муқаддас рамазон ойига тўғри келди ва Ироқ Бош вазири Нури ал-Малик қатл муддатини кечиктиришни таклиф этди. Эндиликда эса жазо чорасини амалга ошириш курдлардан бўлган Ироқ президенти Жалол Талабони ва суннийлар вакили вице-призидент Тарек ал-Ҳошимининг тегишли ҳужжатларга имзо чекишдан бош тортаётгани сабабли кечиктириб келинмоқда.

Пойтахтда Мода ва дизайн ҳафталиги

Тошкент шаҳридаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан "Дом стиля" ва "Осиё рамзи" модельерлар уюшмалари билан ҳамкорликда ташкил этилган "Style.Uz" Мода ва дизайн ҳафталиги давом этмоқда.

Ушбу тадбирда Япония, Россия, Германия, Франция каби давлатларнинг машҳур дизайнерлари қаторида ўзбекистонлик ёш, иқтидорли дизайнерлар ҳам ўз ижод маҳсуллари билан иштирок этмоқда.



СУРАТЛАРДА: *Мода ва дизайн ҳафталигида либослар кўриги; иқтидорли ўзбек дизайнери Шерзод Отабеков.*

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Истиқлол берган имкон

Андижон вилоятда

Ўз фаолиятини савдо фирмаси сифатида бошлаган "Ривож" тез орада нафақат Шаҳрихонда, балки Фарғона водийсидаги катта корхоналардан бирига айланди. Унинг қошида "Ривож — Тянжинь" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлагач, халқ хўжалигига зарур бўлган пайвандлаш электродлари танқислиги бир қадар барҳам топди.

"РИВОЖ" ривож топди

Қисқа вақт ичида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда енгил саноат корхоналари учун конуссимон картон бабиналар ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ташкил этилди. Бундан ташқари, аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган ўнлаб тегирмон, макарон, қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехлари барпо этилди.

Тадбиркорлик доимо изланиш, ташаббускорликни тақозо этади. Буни яхши англаган корхона жамоаси имкон қадар аҳоли эҳтиёжини қондиришга ҳаракат қилмоқда. Ҳозирда кўп тармоқли корхонанинг Фарғона водийсида ўндан зиёд савдо шахобчалари бўлиб, биргина Шаҳрихон ва унинг атрофидаги уч юздан зиёд аҳоли доимий иш билан банд этилди.

Корхона жамоаси даромадининг бир қисмини ҳомийлик ишларига сарфламоқда. Жумладан, корхона томонидан туман марказида 320 ўринга мўлжалланган янги умумтаълим мактаби қуриб берилди. Бундан ташқари, корхона туман ва шаҳардаги ўнта мактабнинг жорий таъмири ва бошқа харажатларини ўз зиммасига олган. Келгусида тумандаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига зарур иқтисодий ёрдамлар кўрсатиш режалаштирилган.

— Президентимизнинг тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсати туфайли қишлоқда ташкил этилган кичик фирмамиз бугун шу даражага етди, — дейди "Ривож" компанияси раҳбари, "Дўстлик" ордени соҳиби Комилжон Отахонов. — Савдо-маиший хизмат турларини ривожлантириш билан бирга халқ хўжалигига зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ниятимиз — шифер ва пишиқ ғишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. Бунинг учун айни пайтда қурилиш ишларини жадал олиб бормоқдамиз.

У.САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Йиғинда аёллар фаоллиги

Тошкент шаҳри

ПАХТАда ТЎЙ

маҳалладошлар меҳрини, ҳолвачи ҳолвасини аямади

МАҲАЛЛА идорасига ўрта ёшлардаги аёл кириб келди:

— Биласиз, акам ҳам, келинойим ҳам ногирон. Жияним Равшанжон 27 ёшга кирди, бошини иккита қилиб қўйсак, дегандим. Аммо тўй қилишга қурбимиз етмайди. Шу масалада ёрдам сўраб келдим. Маҳаллакўйдан бошқа суянадиганимиз йўқ.

Пахта маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси Васила Содиқова ва диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси Моҳира Ғафурова ўзаро маслаҳатлашиб, бу оилага ёрдам беришга қарор қилишди. Хайрли ишда маҳалладошлар ҳам қараб туришмади. Тўйга кимдир пул, кимдир жиҳоз яна кимдир бисотида асраб юрган сарпосини олиб чиқиб ҳисса қўшди. Савоб ишга ҳамма ҳам бош қўшгиси келар экан. Эски Жўва бозорига ҳолва олиш учун бордилар. Сотувчидан нархни бироз пасайтиришни илтимос қилишди. Ҳолвапаз аёл муддаони англагач, тўйга етгулик ширинликни бепул бериб юборди. Тўй ихчам, аммо эсда қоларли тарзда ўтди.

Баъзилар маҳаллаларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими таъсис этилгач, хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг роли сусайгандек, назаримизда, дея фикр билдиришади. Аммо бундай эмас экан. Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани Пахта маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Васила Содиқова фаолияти билан яқиндан танишгач, бунга ишонч ҳосил қилдик.

Васила опа билан суҳбатлашиш мақсадида борганимизда маҳалла идораси одамлар билан гавжум эди. Опа зарур масалаларни ҳал этгач:

— Кечирасиз, сизни кутириб қўйдим. Ишимиз шунақа. Боз устига, муҳим сиёсий тадбир — Республика Президентлиги сайловига ҳам қизғин тайёргарлик кўряпмиз, — деди менга юзланиб. У фаолияти ҳақида гапириб беришдан тортиниб, яхшиси, қилган ишларимизни ҳужжатлаштириб қўйганмиз, шулар билан таниша қолинг, деди. Хонадаги суратларни кўриб маҳаллада ўтказиб туриладиган тадбирлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Хотин-қизлар билан турли мавзуларда олиб борилган давра суҳбатлари, маъруза ва учрашувларнинг баённомалари эса алоҳида-алоҳида иш жилдларда сақланган.

— Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларининг фаолият қамрови жуда кенг. Уни уддалашда биз албатта диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи билан ҳамжиҳатликда иш олиб борамиз, — дейди Васила опа. — Балки эришаётган ютуқларимизнинг калити ҳам шундадир. Масалан, бирон муаммо юзага келса, уни бамаслаҳат, биргаликда ҳал этишга киришамиз. Яқинда касб-ҳунар коллежи маъмурияти маҳалламиздаги бир ўспирин пул топиш илинжида ўқишга бормай, ишлаб юрганини ёзма равишда маълум қилди. Биз боланинг ўзи ва онаси билан суҳбат ўтказдик, тушунтириш ишларини олиб бордик. Натижа эса кўнгилдагидек бўлди. Маҳалламиз хотин-қизлари томонидан жиноят ва қонунбузарлик ҳолатларининг қайд этилмагани ҳам ҳамкорликда олиб бораётган ишларимизнинг самараси, дейиш мумкин.

Маҳаллада хотин-қизлар саломатлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Масалан, ҳудуддаги 33-оилавий поликлиника билан ҳамкорликда туғиш ёшидаги аёллар ялпи тиббий кўрикдан ўтказилди. Бундан ташқари, шифокорларнинг маҳалла аёллари билан ўтказаётган давра суҳбатлари ҳам яхши натижалар бермоқда. Айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор. "Болалар ижодиёт маркази"нинг туман бўлинмаси билан ҳамкорликда қизлар бичиш-тикиш, бисер тикиш ва ҳамширалик курсларида бепул ўқитилди. Маҳалла идорасида ташкил этилган курс битирувчиларининг ишларидан намуналар қўйилган бурчакни кўриб, қизларнинг вақти беҳуда кетмаганини билиш мумкин.

— Хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликнинг ўрни беқиёс, — дейди Васила опа. — Касаначилик асосида иш юритиш, айниқса, уй бекалари учун жуда қўл келади. Сабаби улар ўз хонадонларида, фарзанд тарбияси ва рўзғор ишларидан ажралмаган ҳолда даромад топиш имконига эга бўлишади. Маҳалламизда Р.Маъмурова, Ф.Ғафурова, З.Мирахмедова, И.Ирматова каби хотин-қизлар тикувчилик, терига ишлов бериш ва тикиш, косибчилик, нақкошлик ва қандолатчилик билан шуғулланиб, маҳалла аёлларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқдалар. Эътиборли томони шундаки, улар олган даромадлари ҳисобидан маҳалладаги ногирон ва кам таъминланган оилаларга ёрдам беришяпти.

Маҳалла ҳудудида жойлашган "Ўқувтаълимтаъминот" давлат унитар корхонасининг республика таълим-таъминот филиали маҳалланинг доимий ҳамкори ва ҳомийларидан биридир. Ушбу корхона мутасаддилари маҳалладаги турли тадбирларни ўтказишга, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак беришга ҳамиша тайёр.

Ҳа, орамизда меҳр-оқибат ва саховатни касб этган инсонларга ҳар қанча ҳавас қилсак, улардан ўрнак олсак арзийди.

СУРАТДА: *Пахта маҳалласи хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Васила Содиқова (чапда) ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Моҳира Ғафурова.*

Шаҳноза ЭРГАШЕВА,
"Mahalla" мухбири.

Эҳтиёткорлик — шарт!

ОЛОВ ЎЗ ИЗМИМИЗДА

Дунё тамаддунида жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеалардан бири шубҳасиз, оловнинг кашф этилишидир.

Бугун инсоният, дунё ҳаётини ўт-оловсиз тасаввур этиб бўлмайди. Оловсиз яратувчанлик, бунёдкорлик йўқлигини тан олар эканмиз, айни вақтда оловнинг барбод қилувчи, қирон келтирувчи хусусиятини ҳам инкор этолмаймиз. Шукрки, оловнинг ихтиёри инсон изимида, унинг қайси хусусиятига йўл очиб берсак, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Ҳушёрлик, эҳтиёткорликни бой бермай ундан фойдалансак, жонимизу молимиз омон, акс ҳолда эса оловнинг барбод қилувчи кучи "ишга тушади". Демак, ўт билан боғлиқ ҳар неки оқибатга биз ўзимиз сабабчимиз...

Маълумки, бутун дунёда замин қаъридаги табиий бойликлардан эл-юрт фаровонлиги йўлида фойдаланилади. Жумладан, юртимизда ҳам "зангори олов" кириб борган масканлар, хонадонлар сони йилдан йилга кўпаймоқда. Афсуски, фуқароларимиз турмушига қулайлик туғдириш учун келтирилган табиий газ айрим ҳолатларда одамларнинг саломатлиги ва моддий бойликлари кушандасига айланмоқда. Оддийгина беэътиборлик, эҳтиётсизлик оқибатлари ақл бовар қилмас даражада даҳшатли бўлиши мумкин.

Афсуски, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда табиий газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан фожиали воқеалар содир бўлмоқда.

Биргина мисол: Бухоро вилояти Когон шаҳри Фарғона кўчаси 142-уйда яшовчи Р.Эгамов ошхонасида жойлашган газ плитасидан фойдаланишда энг оддий эҳтиёткорлик қоидасига риоя қилмаган, яъни газ бурагичини охиригача бурамаган. Оқибатда бир неча соат давомида плита горелкасидан газ сизиб чиқиб турган. Хонадон соҳиби бунга беэътибор бўлган ва плитадан фойдаланиш мақсадида гугурт чаққан... Бундай ҳолатда қандай фалокат юз бериши барчага аён: газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши оқбатида Р.Эгамовнинг танаси 65 фоизга куйиб кетган, уй-жойи эса ёниб кул бўлган. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари олов қўшни хонадонларга ўтиб кетишининг олдини олганлар. Р.Эгамов узоқ муддат шифохонада даволанди. Ваҳоланки, шунча кўнгилсиз воқеалар юз бермаслиги ҳам мумкин эди. Бунинг учун газдан фойдаланишда ҳушёр бўлинса, кифоя. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг аянчлиси, газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида содир бўлган ёнғинларда нобуд бўлаётганлар ҳам оз эмас.

Бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш учун қуйидагиларга доимо амал қилиш лозим:

— газ асбобларини ишлаётганда дераза дарчасини очиб қўйинг ва ёқилган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;

— газ сизиб чиққанини текшириш учун очиқ алангадан фойдаланманг — бу портлашга сабаб бўлиши мумкин;

— газ тўлдирилган балонлар газ плитасидан камида 0,5 метр ва иситиш радиаторидан 1 метр узоқликда жойлаштирилган бўлиши керак, балонларни ўт ёқиладиган печларнинг эшиклари қаршисига қўйиш қатъиян ман этилади;

— суюлтирилган газ тўлдирилган қурилмалардан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилинг.

Рустам ТУМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББ бош мутахассиси, капитан.



Чилонзор туманидаги "Боғистон-нон" қўшма корхонаси томонидан темир моддаси билан бойитилган ундан олти хил шифобахш нон ҳамда йигирма турдан зиёд нон маҳсулотлари тайёрланмоқда. "Боғистон-нон" қошида очилган дўконда нонни куннинг исталган вақтида харид қилиш мумкин.

Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

Фуқаролар йиғинлари фаолиятидан

Сурхондарё вилояти

Тизмаларга туташ қишлоқлар

уларда ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам бор

Шеробод тумани ҳудудининг бир томони Ҳисор тоғ тизмаларига туташиб кетган. Унда Даҳана, Майдон, Зарабоғ, Пошқуртўн, Қорабоғ, Аламли, Қизилолма, Бандоб деб аталадиган ўн бешта катта-кичик қишлоқлар мавжуд.

Мадина Усмонова ана шу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли хизматига бел боғлаган серғайрат инсон. У тоғ қишлоқларида амалга оширилаётган хайрли ишларга бош, Пошқурт қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси.

Сир эмас, тоғ шароитида муаммолар ҳар қадамда учрайди. Бундай пайтларда раиса фаоллар кўмагига таянади, кексаларнинг маслаҳатига қулоқ тутади. Инчунун, уларнинг фикри билан Пошқуртда жуда кўп хайрли ишларга қўл урилган. Жумладан, қишлоқда корхона ташкил қилиш ташаббуси ҳам фаоллардан чиққан эди. Улар бу ўринда Анжирота маъданли сувини назарда тутишди. Негаки, Анжирота суви шифобахш. У қадоқланиб халққа етказилса, айни муддао бўларди. Қолаверса, шу пайтгача сўлим тоғ қишлоқларида қариялар дам оладиган маскан йўқ эди. Мадина Усмонова қишлоқ фаолларининг даъватига қулоқ тутди. Натижада Анжирота маъданли суви қадоқланиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Қишлоқда фаолият кўрсатаётган Жўра Тошпўлатов номли фермер хўжалиги, "Уста Маматқул", "Эминота" хусусий фирмаларининг ташкил этилишида ҳам қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мадина Усмонова ва маҳалла оқсоқоли Қурбон ака Холиёровнинг хизмати катта бўлди. Ўнлаб ишсиз ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, Пошқуртда енгил автоуловларга хизмат кўрсатиш устахонаси, саккизта тегирмон, иккита сартарошхона, олтита хусусий савдо дўкони, "Нуронийлар чойхонаси" барпо этилиб, аҳолига хизмат кўрсата бошлади.

Ҳудуддаги собиқ ширкат хўжалигига қарашли ташландиқ бино тубдан таъмирланиб, 5 хонадан иборат замонавий маҳалла идорасига айлантирилди.

Маҳалла ёшларининг жисмонан баркамол бўлиб вояга етиши учун Пошқуртда ўйингоҳ қурилди. Икки гектарли ушбу майдонда қишлоқ ёшлари спорт билан шуғулланмоқда.

Айни пайтда Мадина Усмонова ва маҳалла оқсоқоли Қурбон Холиёров томорқа ерларини суғориш учун сув танқислиги муаммосини ҳал этиш мақсадида ариқ-зовурлар қазиш лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда. Шу ўринда бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Пошқуртдаги хонадонлар газлаштирилмаган. Шу сабабли аҳоли суюлтирилган газдан фойдаланади. Боз устига, бундай газнинг баҳоси ҳам қимматроқ.

Учёғоч — Пошқуртга қўшни маҳалла. Бу ерда 700 га яқин оиланинг фаровон турмуш кечириши учун барча шароитлар мавжуд. Маҳалла ҳудуди обод, йўллари асфальтланган. Оқсоқол Назрулла Файзуллаевнинг ташкилотчилиги ва саховатпеша маҳалладошларнинг ҳиммати билан ҳудудда кўпгина хайрли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Хонақоҳ қабристонига бориладиган 1,5 км узунликдаги йўл қайта таъмирланди. Хилхона қурилиб, шарқона услубда дарвоза ўрнатилди. Маҳалла қарияларининг Самарқанд, Бухоро шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Зарабоғ — қишлоқ йиғини ҳудудидаги йирик маҳаллалардан бири. Йиғин раиси Ҳосиятхон Жўраева бирор ишни бажаришдан олдин етти ўлчаб, бир кесадиганлардан. Шу боис ўтган давр мобайнида қишлоқда мавжуд бўлган йигирмадан ортиқ ҳунармандчилик дўконларининг иши мувофиқлаштирилди. Бундан ташқари, қоракўлчиликка ихтисослаштирилган "Кўҳитанг" ширкат хўжалиги раиси Абдуманноп Маматқулов ҳам йўлларни таъмирлаш, қишлоқни ободонлаштириш, маҳаллада байрам тадбирларини уюштиришга ҳомийлик қилиб келяпти.

Бироқ шунга қарамай, қишлоқда ўзига яраша муаммолар мавжуд. Улардан бири электр энергияси таъминотидаги асоссиз узилишлар ва чеклашлардир. Бу ерда аҳоли бир кечакундузда бор йўғи уч-тўрт соатгина электр энергиясидан баҳраманд бўлади. Қишлоқ ҳудудида ичимлик суви ҳам муаммо. Сув тармоғига атиги йигирмата нуқта ўрнатилган. Аҳолининг қолган қисми эса булоқ сувидан истеъмол қилади. Табиий газ таъминотида ҳам бироз қийинчиликларга дуч келинмоқда. 32-сонли умумий ўрта таълим мактабининг 420 ўринли янги биноси қурилиши эса деярли ўн беш йилдан буён тугалланмай ётибди. 558-КМЖ корхонаси томонидан қурилиши бошланган мазкур бинонинг деворлари қор-ёмғир остида ивиб, емирилмоқда. Зарабоғ савдо ишлаб чиқариш корхонасига қарашли дўконларда аҳолига савдо хизмати кўрсатилмаяпти. Оқибатда аҳоли кундалик эҳтиёж моллари шаҳарга бориб, ҳам ортиқча вақт, ҳам маблағ сарфлаб олиб келишга мажбур бўлмоқда. Маҳалладошлар бу каби муаммоларнинг ечимини топишда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари кўмагидан умидвор.

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Олам турфа

УЯ ЁҒДИ — ҮЙ ЁҒДИ

Ҳаёт турли тасодифларга тўла. Баъзида ўйлаган ёки бажараётган ишингнинг қандай якун топишини билмайсан киши. Германиянинг Дребах шаҳридаги бинолардан бирининг томини таъмирлаётган усталар ҳам қош қўямиз деб, кўз чиқаришларини хаёлларига келтиришмагани аниқ.

Ҳаммаси бир устанинг эҳтиётсизлигидан бошланди. Таъмир вақтида у ари уясига тегиб кетади. Тинчи бузилган арилар тўдаси дарҳол қурувчига ҳамла қила бошлайди. У эса ловуллаб ёниб турган пайвандловчи мосламa билан ўзини ҳимоя қилади. Оқибатда арилардан бири ёна бошлайди ва шундоққина тўсин остида жойлашган уясига қайтиб, у ерни ҳам ёндириб юборади. Ёнғин тез орада уядан чордоққа ўтади. Яхшиямки ёнғин хавфсизлиги ходимлари зудлик билан етиб келиб, ёнғиннинг бутун бинога тарқалиб кетишининг олдини олишди. Акс ҳолда...

Самарқанд вилояти

Саноат корхоналари учун САВДО ЯРМАРКАСИ

унда сифатли маҳсулотлар ўз харидорларини топмоқда

Самарқанд шаҳридаги "Баҳор" масъулияти чекланган жамиятига қарашли муҳташам бинода вилоятдаги йирик саноат корхоналари, товар ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектлари ҳамда улгуржи ва чакана савдо корхоналари учун улгуржи савдо ярмаркаси ташкил этилди. Ушбу тадбир ташаббускори вилоят ҳокимлиги бўлди.

Бугунги кунда вилоятда 42 та йирик ва 2200 тага яқин кичик саноат корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги саноат корхоналари томонидан 508 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, йил бошидан буён вилоятда 19 та янги саноат корхонаси ташкил этилиб ишга туширилди ва 8 та саноат корхоналарида мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Асосийси, бу корхоналарда 700 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни истеъмолчилар эътиборига ҳавола этиш, харидоргирлигини оширишда савдо ярмаркалари ташкил этилиши яхши самара беради.

— Шу йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Тошкент шаҳридаги "Ўзэкспомарказ"да ўтказилган биринчи саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси ишлаб чиқарувчи ҳамда савдо корхоналари фаолияти ривожи учун бу каби тадбирларнинг нечоғли фойдали эканини кўрсатди, — дейди вилоят ҳокими ўринбосари А.Жўраев. — Ўша ярмаркада вилоятимиздан 14 та йирик саноат корхонаси ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Натижада ушбу корхоналар жами 179 миллиард 250 миллион сўмлик 248 та ҳамкорлик шартномалари тузишга эришди.

Самарқанд шаҳрида ташкил этилган ушбу ярмаркадан кўзланган мақсад ҳам маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳамкорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ўртасидаги савдо алоқаларини янада ривожлантириш, маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш ва аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Ярмаркада вилоятда фаолият юритаётган 150 дан ортиқ йирик, кичик ва хусусий корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этди. Улгуржи ва чакана савдо ташкилотлари ва ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасида ҳамкорлик шартномалари тузилди.

Рустам ҲАЙИТОВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: *ярмаркадан лавҳа.*
Жаббор НАБИЕВ олган сурат.

Йил дастури ижроси — амалда

Сирдарё вилояти

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳиссаси салмоқли. Аслида маҳалламизда ҳомийлик ва хайрия ёрдамларини анъанавий тарзда уюштириш Ҳомийлар ва шифокорлар йилида бошланган.

"ҲОМИЙЛАР КЕНГАШИ"

у эҳтиёжманд маҳалладошларимизга мададкор

Ўшанда йиғин қошида "Ҳомийлар кенгаши"ни тузиб, унинг таркибига Рустам Бобоев, Муяссар Нурмуҳаммедова, Нуъмон Солиев, Абдуҳамид Ҳабибуллаев, Эргаш Умуров, Хижоятулло Исаев, Улуғбек Аллаев, Сайфулло Пўлатов, Салим Муқумов, Хурсаной Назарова, Олим Худойқулов, Азизжон Ризаев сингари фермер, ишбилармон ва тадбиркор маҳалладошларимизни киритган эдик. Улар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни йўқлаб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб туришибди. Жорий йилда кам таъминланган оилаларнинг 40 тасига турли миқдорда моддий ёрдам кўрсатилиб, нафақалар тайинланди. 9 нафар кам таъминланган оилага бир бошдан қорамол олиб берилди. Яқинда ҳомийлар ёрдами ва маҳалла аҳли ташаббуси билан ёлғиз онахон Зулайҳо Олимжонованинг набираси — Абдуллажоннинг суннат тўйини ўтказдик. Шунингдек, ўзгалар ёрдами ва парваришига муҳтож фуқаролар, яккаёлғиз кексаларнинг турар-жойлари таъмирлаб берилмоқда. Юқори синф ўқувчиларидан тузилган "Ғамхўрлик гуруҳлари" эса уларнинг ҳолидан мунтазам хабар олиб туришади. Маҳалламизда саховатпеша инсонлар кўмагида турли байрамлар муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийлари, етимесир ҳамда бева-бечораларга байрам дастурхони ёзиш анъанага айланган.

Аҳолининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлик муаммосини бартараф этиш борасида ҳам қатор ишларни амалга оширяпмиз. Туман газлаштириш, сув, электр таъминоти ва бошқа коммунал идора раҳбарлари билан тузилган шартномага мувофиқ истеъмолчилардан тўлиқ йиғилган маблағнинг 10 фоизи йиғин ихтиёрида қолдирилади. Бу маблағнинг маълум қисми эҳтиёжманд оилаларнинг коммунал тўловлардан қарздорлигини камайтиришга йўналтирилмоқда.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, уларга барқарор даромад манбаларини шакллантириб олишлари учун кўмаклашиш мақсадида маҳалла ҳудудидаги фойдаланилмаётган ер майдонлари уй-жой қуриш ёки томорқа сифатида, бўш турган бино ва ётоқхоналар эса фойдаланиш учун ажратиб берилмоқда. Баъзи ёш оилалар ҳашар йўли билан уй-жойларини тиклаб олишди.

Касаначилик аҳолини, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашнинг энг самарали усулидир. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида 31 нафар хотин-қиз ўз хонадонларида даромад топиш имкониятига эга бўлдилар. Тикувчилик, зардўзлик, чопон тикиш, миллий ҳунармандчилик ва уйрўзғор буюмлари ясаш устахоналарини ташкил этиш бўйича туман меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими билан ҳамкорликда иш олиб боряпмиз.

Хадичахон ҒОФУРОВА,
Ховос туманидаги Истиқлол маҳалласи фуқаролар йиғини раиси.

Эй сиз одамлар, эссиз одамлар

Тенгини топмаганлар тақдири

Жалил бобо кампири оламдан ўтгач, калавасининг учини йўқотиб қўйди. "Озни ошириб, ёмонни яшириб, рўзғоримнинг кам-кўстини сездирмасликка уринарди, раҳматли. Қилдан қийиқ ахтариб, кампир бечорани кўп хафа қилар эдим", деб ич-ичидан эзилди. Унга айниқса, кечкурун бир пиёла чой устида ҳасратлашадиган жуфти ҳалолининг ўрни жуда билинар эди.

Тенг-тўшлари:

— Бир чолга бир кампир зарур, Жалилбой. Яратганга шукр, ҳозир тўрт мучанг соғ. Шифтга қараб ётгулик қилмасин, унда ўлдангдан ким чиқади, — деб уйланишни маслаҳат беришди. Жалил бобо кампирининг суягини қақшатгиси келмадими ёки бошқа сабаб биланми уч-тўрт йилгача уйланишга руйхуш бермади. Қизлари иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришса-да, шу йиллар давомида барибир хотиннинг ўрни бўлак эканини англади. Қишлоқдаги бева хотинларни бирма бир кўз олдидан ўтказиб кўрди. Аммо Шарифа холанинг ўрнини ким ҳам боса оларди?

Кунларнинг бирида дўсти Норбой Яккабоғ туманидаги Лангар қишлоғида яшовчи бева аёл ҳақида гап топиб келди. Икки чол эртаси куни бўлғуси келинникига бориб, унинг оила аъзолари билан танишиш ва розилигини олишга келишиб олишди. Йўл-йўлакай маҳалла фуқаролар йиғини раисига учраб, уни ҳам совчиликка боришга кўндиришди.

Келин томондагиларнинг розилиги олинди, бироқ Жалил бобо бўлажак умр йўлдошининг бор-йўғи 24 ёшда эканини билиб, бироз иккиланиб қолди. Атрофдагилар: "Хотиннинг ёш бўлганига нима етсин", деган маслаҳатлар билан "куёв"ни кўндиришди. Ҳамқишлоқлар тўйдан хабардор қилиниб, яхши ният билан дастурхон ёзилди. Келин қариндош-уруғлар куршовида хонадонга кириб келганда ўзларидан ҳам ёш "она"ни кўрган Холбека билан Сабоҳатнинг ранги ўчди. Бўлди жанжал, бўлди тўпалон... Келин янгалар Санобарни қандай олиб келган бўлсалар, шундай қайтариб олиб кетишди.

Шундан сўнг Жалил бобо хонадонида қандай воқеалар содир бўлганию ота фарзандларини қай йўсинда муросага келтиргани кўпчиликка қоронғу. Икки кундан сўнг чол қизлари билан биргаликда Санобарникига бориб, улардан кечирим сўрашди ва "келин"ни олиб қайтишди.

Ёш хотинга уйлангач, Жалил бобонинг феъли об-ҳаводек тез-тез ўзгариб турадиган бўлди. Бугун Санобар билан шаҳар айланиб, бозордан унга истаганини олиб берса, эртасига "сен менинг тенгим эмассан", деб уйига қувиб солади. Кунлар бирбирини қувиб ўта бошлади. Бу орада Санобарнинг ҳомиладорлиги аён бўлди. Жалил бобо янгиликдан қувонмади, аксинча турли қарама-қарши фикрлар гирдобида қолди. Санобарнинг қишлоғига, қариндошлари хузурига тез-тез бориб туриши сабабларини ўзича тушуниб, ундан турли хулосалар ясади. Баъзан: "Қишлоғингда ёшроғи бўлса керак, шунинг учун ўша ёққа оёғи куйган товуқдай тез-тез югурасан", деса, баъзида: "Дарвозадан мўралаб, ёш йигитларга қош қоқа кўрма", деб дўқ урарди. Хуллас, хонадонда осойишта кун камдан-кам бўлар, келишмовчилик ва жанжаллардан ҳаммадан кўпроқ кичик қизлар — Норбека билан Адолат озор чекишарди. Ниҳоят, улар ҳам опаларникига кетиб қолишди.

Уруш-жанжаллардан безиган Санобар жиянининг туғилган кунига бориб, Жалил бобога: "Жонимдан тўйдим, уйингизни елкамнинг чуқури кўрсин. Кетмайман", деб оёқ тираб олди. Бунга жавобан эр: "Ҳа, ёш жазманларингдан кўнгил узолмаяпсанми?" деб оғзига келганини айтди. Санобар ҳам аччиқ устида "Сиз менинг тенгим эмассиз, қишлоқда қанча йигитлар менга кўз тикиб турибди", дея тескари жавоб қилди. Ота-она қизига: "Бундай дема, болам. Кўнглинг йўқ экан, бу ҳақда олдинроқ ўйлаш керак эди. Биз сенинг хоҳишингни сўрадик-ку, ахир. Мулла бобони хафа қилма, бора қол", деб насиҳат қилишди.

Янги оиланинг ҳаловати йўқолди. Арзигулик сабаб ёхуд хотининнинг қалтис қадам ташлаганини тасдиқловчи бирор далил бўлмаса ҳам, Жалил бобо таъна-дашном беришдан, жанжал кўтаришдан чарчамасди. Санобар эса: "Ўзим пиширган ош, боз устига, ҳомиладорман, ҳаммаси яхши бўлиб кетар", деган истиҳола билан тишини-тишига қўйиб, чидашга ҳаракат қиларди.

2007 йил 10 июль куни эди ўшанда Жалил бобо Санобарни онасининг олдига олиб борди:

— Пичоқ бориб суякка етди, шу ҳам оила, эр-хотинлик бўлдими? Ажрашмасак бўлмайди, — деб хотинини қолдириб келди. Бироқ уйга келгач, ўтган воқеаларни ўйлаб, аламдан тўлғаниб чиқди ва эртасига яна Лангар томон йўл олди. "Ўйлаб кўрдим, сенсиз яшай олмас эканман. Фарзанд кўрсак, ҳаммаси изига тушиб кетади", деб хотинини олдига солиб қайтди.

Ўша куни оилада бошқача ҳаёт, хотиржамлик ҳукм сурарди. Жалил бобо хушмуомала, хотининнинг атрофида парвона эди. Дастурхонга ноз-неъматлар тортилди, ширин гаплар, ҳазил-хузул билан чой ичилди. Бироқ хурсандчилик узоқ чўзилмади, бир пасда тескари тус олди:

— Санобархон, — деди Жалил бобо. — Қишлоғимда ёш эрим бор деган эдингиз. Мендек бир оёғи ерда, бир оёғи гўрда бўлган чол билан умрингизни хазон қилманг. Боринг, ўз тенгингизга хотин бўлинг.

— Нега бирдан феълингиз яна айниб қолди? Ҳозиргина туппа-тузук эдингиз-ку? Хотиржам кун ҳам бор экан деб ҳайрон бўлаётгандим, — деди Санобар ва ўрнидан туриб уйни тартибга келтира бошлади. Шу пайт Жалил бобо олдиндан тайёрлаб қўйилган сиртмоқни чаққонлик билан хотининнинг бўйнига солиб, бўға бошлади. Икки қўли билан қутулишга уринаётган Санобар: "Қулингизман, иккинчи бор гап қайтармайман", деб ёлворди. Аммо барча ҳаракатлари, талпинишлари беҳуда кетди. Бироздан сўнг мадорсиз қўллари ҳаракатдан тўхтади. Дунёдан тўймаган кўзлар очиқ қолди.

Халқимизда "Тенг-тенги билан..." деган нақл бежиз айтилмаган. Ҳар қандай шароитда ҳам тақдирини ўзидан қарийб 40 ёш катта чол билан боғлашга розилик бермаслиги лозим бўлган Санобар гарчи бу нақлни билган бўлса-да, унга амал қилмади. Ахир турмуш борасида икки марта қоқилган киши учинчи бор етти ўлчаб, бир кесиши лозим эди.

Жалил ота-чи? Уйланишни ният қилган кекса одам бугунини эмас, эртасини кўпроқ ўйлаши керак эмасмиди?! Ахир "Беш-олти кун яшаб кўрай-чи, тўғри келмаса, ҳайдаб юборавераман" деган мақсад билан турмуш қурилмайди-ку!

Санобарнинг яқинлари нотенглик асосига қурилаётган никоҳга нега розилик беришди?! Фожиага ҳар икки томонда яшовчи оқсоқолларнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлмадимикан? Ахир улар турмуш чорраҳаларида учраб турадиган бундай воқеаларнинг оқибатлари ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари лозим эмасмиди? Балки атрофдагилар сал ҳушёрроқ бўлганларида ушбу фожиа рўй бермаган бўлармиди...

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Суранг, жавоб берамиз!

Савол:

ВАҚТИНЧА МУДДАТГА НАФАҚА БЕЛГИЛАНАДИМИ?

Маълум муддат давомида ишга қобилиятсиз бўлган кишиларга уларнинг оилавий шароти ҳисобга олиниб нафақа белгиланиши мумкинми?

Жавоб:

ИШ ҲАҚИНИНГ ОЛТМИШ ФОИЗИДАН ЮЗ ФОИЗИГАЧА...

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси касал бўлганда, меҳнатда майиб бўлган ёки бошқача тарзда шикастланганда, шу жумладан турмушда жароҳатланганда, оиланинг бетоб аъзосини парвариш қилганда, карантин эълон қилинганда, санаторий-курортда даволанганда ва протез қилинганда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси меҳнатда майиб бўлган ва касб касаллигига чалинганда иш ҳақининг тўлиқ миқдорида, бошқа ҳолларда эса ходимнинг давлат ижтимоий суғуртаси бадалларини тўлаган муддатига (умумий иш стажига), қарамоғидаги вояга етмаган болаларининг сони ва бошқа ҳолатларга қараб, иш ҳақининг олтмиш фоизидан юз фоизигача миқдорда тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг энг кам миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақи миқдоридан ортиб кетмаслиги лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 285-моддаси.

Муштарий илҳоми

АВЛОДЛАРГА АЙТАР СЎЗИМ

Мен ўтарман дунёдан мангу,
Авлодларим тингланг сўзимни.
Дилда борим айтиб сизларга,
Сўнгра майли юмай кўзимни.
Кириб келса Ватанингга ёв,
Қилмоқ бўлса боғларинг пайҳон.
Кўзини ўй, қиргин беаёв,
Содиқ қолгин халқингга ҳар он.
Доноларнинг гурунгида бўл,
Ёдингда тут улар сўзини.
Билмаганинг сўра, билиб ол,
Билим очар ҳар иш кўзини.
Ота-онанг дуосини ол,
Пойларига тўша пояндоз.
Фаришташи билгин уйингни,
Хизматларин қанча қилсанг оз.
Яхшиларга бўлгин доим ёр,
Парвона бўл улар бошида.
Узоқлашса, ортидан югур,
Ёмонларнинг турма қошида.
Боғбон бўлсанг, боғингни асра,
Бегоналар узолмасин гул.
Қуйчи бўлсанг, торингни асра,
Қўйларингга жўр бўлсин булбул.
Айёр бўлма, тулкидек зинҳор,
Эгалик қил айтган сўзингга.
Умринг бўйи бўлмай десанг хор,
Ҳалолликни касб эт ўзингга.

Ҳазраткул ҲАМРОЕВ,
меҳнат фахрийси.

Тарих тилсими

Афросиёб топилмалари

кўҳна шаҳар ўтмишидан гувоҳлик беради

Дунё халқлари орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ўзбек халқининг маданий-тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб туташиши илм аҳлига яхши маълум. Зеро, халқимиз ўз тарихида бадиий-монументал ва амалий санъатнинг оламшумул ноёб асарларини яратган. Бу асарлар ҳанузгача юксак бадиий услуби, гўзаллиги, шаклларининг нафислиги билан яратувчиларининг нозик дидли ҳамда теран фикрли бўлганлигидан далолат бериб турибди. Бу ҳайратомуз манзарани биноларнинг ички ва ташқи безаклари, нафис кошинлари, бўртма ганч ўймаларида, тош ва ёғочларга ўйилган сержилва нақшлар, металл ва чармга солинган турли гулларда, гиламлар, шоҳи-атласлар, сўзаналарнинг жозибали рангларида кўриш мумкин.

Ҳа, аждодларимиз қадимдан шаҳарсозлик, меъморчилик, илм-фан, санъат ва маданият соҳаларида катта кашфиётлар қилишган. Юртимиз заминидан топилган бебаҳо археологик ёдгорликлар шундан далолат беради.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан ҳаваскор археологлар томонидан Афросиёб, Варахша, Мингўрик, Чиноз, Қанқа, Шоҳруҳия, Дабусқалъа, Тўйтепа ва бошқа шу каби қадимий шаҳар харобаларида қазиш ишлари бошланиб кетди. Натижада ушбу харобалардан аждодларимизнинг бой маданий даҳосидан дарак берувчи кўплаб ашёлар топилган.

Хусусан, Ўзбекистон қадимшунос олимлари 1965 йилнинг ёзида бутун жаҳонни ҳайратга солган кашфиёт қилдилар. Улар эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда бунёд этилган қадимги Афросиёб харобаларидан турли нафис расмлар билан безатилган саройни топдилар. Сарой деворларига ишланган расмларда дабдабали кийинган подшо ва аслзодаларнинг ҳаёти, расм-русумлари, урф-одатлари акс эттирилган. Сарой ансамбли ҳар хил катталиқдаги уйлар, хоналар ва йўлакларидан иборат. Саройга кириш шарқ томондан бўлиб, дарвоза ёнида абадий гулхан ёниб турган. Дарвозадан кирилгач, узун ва кенг йўлак орқали тепаси гумбаз шаклида бўлган махсус хонага ўтилган. Бу хонанинг ўртасида турган супачага сарой ҳарамига аталган совғалар қўйилган. Саройга кирувчи кимса махсус хонада бўлиб, кейин кетма-кет учта зал (катта-кичик саройлар) орқали ўтиб, охири Сўғд ҳукмдори тахти ўрнатилган қабул саройига кирган.

Шоҳона саройнинг ҳар бир томони узунлиги ўн бир метрдан иборат, тўртбурчак шаклига эга. Деворлари мустаҳкам пахсадан қурилган, устидан сомон сувоқ қилинган, кейин оқ ганчдан пардоз сувоқ берилиб, ҳар хил рангдаги минерал бўёқлар билан расм чизилган. Сарой икки қаватдан иборат. Иккинчи қавати сақланиб қолмаган.

Сарой деворларидаги расмларнинг асосий мазмуни сўғд подшоси Вархуманни давлат арбоби сифатида улуғлаш, жасур ва мард киши, моҳир овчи сифатида тасвирлашдан иборат. Моҳир рассом тасвирлаган баҳмал ва кимхоб мато ёпилган оқ филнинг устидаги тахтиравонда ўтирган малика сурати ҳам диққатга сазовордир. Фил сағрисида ўтирган канизакнинг қўлига сўғд тилида "Маликанинг яқин кишиси" деб ёзилган. Аёлларни бир ўркачли нор туяларга минган икки эркак кузатиб бормоқда... Булардан ташқари, сарой деворларида Сўғд ҳукмдори Вархуманнинг узоқ-яқиндан келган элчиларни қабул қилиши ҳам ўз аксини топган. Бу шоҳона сарой расмларида номаълум рассомнинг маҳорати кўзга яққол ташланади.

Подшо саройини қазиш вақтида 115 та тангадан иборат хазина ҳам топилди. Тангалар сурп халтачага тўп-тўп ҳолда солиниб эшик остонасига беркитилган экан.

1877 йилдаги археологик изланишлар натижасида Вахш ва Панж дарёларининг Амударёга қуйилиш жойидан эрамиздан олдинги II асрга тегишли бебаҳо хазина топилган эди. Бу хазинада 179 дона олтин, 7 дона кумуш ҳамда бир қанча қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари бўлган. Шунингдек, топилмалар бир қисми олтиндан, қолган қисми кумуш ва мисдан зарб этилган қарийб 1500 дона танга, учта олтин ва бир дона кумуш жом, олтин кўза, сафар анжомлари, қалқон, қуролярог қинлари, байрам тантаналарида кийиладиган аслзодалар кийим-бошининг олтин тақинчоқлари, қўйма олтин билакузук ва жеваклар, олтиндан ясалган муҳрли узук ва маржонлар, парранда ва ҳайвонларнинг қўйма олтин ва кумуш, икки ғилдиракли жанг аравачасининг иккита олтиндан ясалган модели ҳамда одам, от ва туялар тасвирланган бир қанча зарварақлардан иборат.

Бундан ташқари, хазина буюмлари орасида қўш шотли, тўққиз кегайли, икки баланд ғилдиракли, тўрт от қўшилган арава олдида тик туриб жилов тутган аравакаш ўриндиқда ўтирган хўжасини олиб кетаётгани акс этган топилма ҳам бор.

Топилмалар орасида сафар вақтида ичимлик солиб юриш мақсадида балиқ шаклида олтиндан ясалган сувдон, айниқса, диққатга сазовор. Бу ноёб хазина қадимги заргарлик санъатининг ноёб ёдгорлиги сифатида бебаҳодир. Хазина ҳозирда Британия музейи залларини безаб турибди.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Мазкур бурж вакилларидан айни кунларда қатъиятлилик талаб этилади. Ҳар бир ишга оптимистик руҳда ёндашсангиз албатта, муваффақиятга эришасиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Айни кунларда кўпгина муаммоларингизни ҳал қилиш учун имкон туғилади. Ишда ҳам, шахсий масалаларда ҳам меъёр билан иш тутганингиз маъқул.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Ушбу ҳафтада юзага келадиган вазият мақсадингизга эришишда янги куч бағишлайди. Бироқ жумадаги ўзгаришлар сиз кутган натижани бермаслиги мумкин.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)
Мазкур ҳафтада ўз кучингизни тўғри баҳолай олишингиз лозим. Ана шунда кўп нарсага улгурасиз. Йўл қўйган хато ва камчиликларни тўғирилашга ҳаракат қилинг.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Айни кунларда хушхабар эшитишингиз эҳтимоли бор. Пайшанба куни ҳужжатлар ва пул билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиб олинг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Яқинларингиз маслаҳатларига қулоқ тутиб, улардан тўғри хулоса чиқаришни ўрганинг. Ҳафта охирида ишларингиз кўпайиб кетиши мумкин.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Шу кунларда яқин кишиларингиз кўмагига эҳтиёж сезишингиз мумкин. улардан ёрдам сўрашдан тортинманг. Муҳим қарор қабул қилишда мулоҳазалироқ бўлишга ҳаракат қилинг.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Мазкур ҳафтада ишдаги салоҳиятингиз раҳбарият томонидан юқори баҳоланади ва анчадан буён сизни ўйлантириб келаётган муаммоларни осонликча ҳал этасиз.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Оилангизда тушунмовчиликлар юзага келиши мумкин. Беҳудага тортишаверманг. Ҳафта сўнгида қизиқарли учрашув иштирокчисига айланасиз.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Молиявий ишларингизни ўнглаб олишда янги таниш-ларингизнинг ёрдами тегиши мумкин. Шу боис улар билан самимий муносабатда бўлинг.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Баъзиларингиз учун ушбу кунлар кўнгилдагидек ўтмаслиги мумкин. Эҳтимол, бунинг сабаби, ҳам жисмонан, ҳам руҳан толиққанингиздадир.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Зиммангизга юклатилган вазифалар жуда кўп бўлгани боис, уларни режалаштириб олганингиз маъқул. Ана шунда яхши натижаларга эришиш имконияти кенгаяди.

Яна тўйларимиз ҳақида...

Куёвни ёв билмайлик!

ёхуд дабдабабозликка чек қўйиш мавзуси нима учун эскирмаётгани хусусида

Тўй-маъракаларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, бунинг салбий оқибатлари тўғрисида фикр юритиш кўпчиликнинг наздида эскириб қолган мавзуга қайтишдек туюлади. Аслида бу мавзуни эскиртирмаётган ўзимиз бўламиз. Чунки орамизда битта бўлса ҳам дабдаба билан тўй қилсаму, уч-тўрт кун эл оғзига тушсам, дегувчи киши топилса, демак, бу мавзу ҳали эскирмаган. Ўйлаб кўрайлик-чи, нима учун дабдабабозликка чек қўйиш ҳақидаги таклифлару даъватларимиз самара бермаяпти?

Албатта, ҳар даврнинг ўз тошу тарозиси бор. Қачонлардир замона зайли шундай бўлганки, янги оиланинг вужудга келиши учун уйжой, қозон-товоқ, от-улов каби бир қатор жиҳозларнинг мавжуд бўлиши етарли ҳисобланган. Булардан маблағ ортсагина элга тўй бериб, турли кўнгилочар маросимлар ўтказилган. Турган гапки, ҳозирги фаровон турмушимиз туфайли бу ўлчамлар анча-мунча ўзгарди. Бир эмас, бир неча кунлаб базму жамшид қилиб қиз узатаётган, ўғил уйлаётган замондошларимиз камми? Кам эмас! Моддий жиҳатдан тўкис бўлганларни кўя турайлик, ҳолбуки, уларнинг бу ишлари "Тўқликка шўҳлик"нинг ўзгинаси! Ўртамиёна яшаётган, даромади бировникидан кўпу, бировникидан кам бўлган кишиларга қарз-ҳавола кўтариш эвазига данғиллатиб тўй қилиш, ортиқча "чираниш" нега зарур? Тўғри, бу дунё орзу-ҳавасли, эл-юрт олдига дастурхон ёзиш, қариндош-хешларнинг кўнглини олиш ҳам файзли тадбир. Лекин ҳар бир нарсада меъёр бўлиши керак-ку. Наҳотки, фарзандларимиз тақдири билан боғлиқ барча орзу-ҳавасларимиз тўю тантаналар билангина боғлиқ бўлса?! Унутмайликки, ёш оила учун ҳаётнинг энг муҳим палласи айнан тўйдан кейин бошланади. Ота-она қарз кўтариб, катта тўй қилади, тўй ўтгач, қарзни тўлаш ташвиши кўпроқ куёвнинг гарданига тушади. Бундай шароитда келин ҳам сарполарни кийиб ясаниб-яйраб юролмайди, албатта. Устига-устак, кунда-кунора қайнона бўлмиш келинчакни тергаб туради: "Вой, келинпошша, таом тайёрлаганда ёғу гўштни тежанг-а, ахир қарзлардан қутулганимиз йўқ..."

Аксариятимиз гувоҳи бўлганмиз, қиз томон куёв томондан фалон миқдорда ширинлик, спиртли ичимликлар, қизнинг яқинлари учун бошдан-оёқ сарполар... талаб қилишади. Куёв томон бу талабларни бажаришга қанчалик қодир? Ахир тўйдан сўнг келин ҳам, куёв ҳам ҳар икки томон учун азиз фарзанд ўрнида бўлади-ку! Ҳолбуки, тўйдан кейин куёвнинг фикру хаёли сарполару егуликлар учун олинган қарзни узишда бўлишини, бу ҳолат келин бўлиб узатилаётган қизига ҳам қўнгилли бўлмаслигини ҳисобга олиб, қизнинг ота-онаси майда-чуйда ирим-сириму маросимларни чекласалар яхши эмасми? Ўйлаб қарасак, бир ўғилни уйлаш мобайнида "Тугун ташлаш", "Мазар еди", "Куёв оши", "Ўй кўрди", "Куш қуллуқ" каби бир нечта тадбирларга дуч келамиз. Аслида, шу тадбирларсиз ҳам тўйни чиройли ва тантанали тарзда ўтказиш мумкин.

Хулоса шуки, қизларига чинакам бахт истаганлар аввал бошданоқ, яъни тўй билан боғлиқ олди-бердилар бошлангандаёқ куёвни ёв билмаслиги, уни ортиқча сарф-харажатларга ундамаслиги керак, менимча.

Абдурасул ЭРАЛИЕВ

Марҳамат тумани.

**** Тўй дабдаба билан ўтди, лекин ёш оила тезда барбод бўлди. Нега?***
**** Ортиқча сарпо-суруқ ўрнига тикув машинаси...***
**** "Маҳаллада дув-дув гап" бўлмасин!***

СЕПЛИ КЕЛИНДАН ЭПЛИ КЕЛИН АФЗАЛ!

Андижон шаҳридаги Саъдий номли маҳаллада бир тўй бўлдики, довруғи катта! Айримлар келин бўлмишнинг сепини, ёшларга қилинган тўй туҳфаларини санаб адоғига етолмай қолди.

Қизнинг ота-онаси талай қимматбаҳо буюму жиҳозларга қўшиб бахт ва омадни ҳам куёвтўраникига нақд келтиргандек кўксини баланд тутди. Турган гапки, куёв томон ҳам "Сендан мен камми" қабилида иш кўрди: тўй дастурхони ҳам ҳаддан зиёд тўкин бўлди. Хуллас, бу тўй қуда бўлмишлар истаганидек, "маҳаллада дув-дув гап" бўлди. Афсуски, ёш оиланинг бахтиёр дамлари узоққа чўзилмади. Келин тўйнинг эртасигаёқ ота-онасининг қайнонаю қайнотасидан бойроқлигини пеш қилиб, куёвнинг кўнглини чўктирган, можаро шундан бошланган эмиш. Буни қарангки, дабдабали тўй довруғи босилмаёқ, ёш оиланинг барбод бўлгани яна бир бор "маҳаллада дув-дув гап" бўлди...

— Бу ҳодиса бутун маҳалла аҳлини таажжубга солди, — дейди йиғин оқсоқолининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Фавзия Амирхонова. — Шуҳратпараст қудаларнинг "кимўзар" ўйини туфайли икки ёшнинг бахти барбод бўлди. Ваҳоланки, тўй арафасида маҳалла кайвонилари ҳар икки тарафга ҳам тўйни ортиқча сарф-харажатларсиз, камтарона ўтказишни маслаҳат беришган, улар эса бу маслаҳатга кўнишмаган эди. Шу хунук воқеадан сўнг маҳалламиз фуқаролар йиғини ҳузуридаги хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси, турли йўналишда ишловчи комиссиялар, фаоллар билан биргаликда бундан буён маҳалламизда ўтадиган тўйлар учун сарф-харажатларнинг ўртача меъёрини белгилаб чиқдик. Энг муҳими, ҳар қандай тантана, тўй, шунингдек, маъракa маросимларида ортиқча дабдабага йўл қўйилмаслиги қатъий белгиланди. Бу тадбирни маҳалламиз аҳли қўллаб-қувватлади.

Яқинда Сайдуллаевлар оиласидан қиз узатилди. Келиннинг сепи учун ёш оила турмушида зарур бўладиган жиҳозлар ва кийим-бошлар харид қилинди. Тўй тантанаси ҳам камтарона режалаштирилди. Тўй соҳибларининг мўлжалидаги маблағдан ортгани келин учун тикув машинаси харидига сарфланди. Чунки узатилаётган қиз чеварлик ҳунарини эгаллаган, келин бўлгач ҳам бекор қолмайди, ҳам ёш оила рўзғорига моддий кўмак келтира олади. Бу куёв тарафга ҳам жуда маъқул келди. Дарвоқе, ўзбек оилаларида қиз болага мурғаклигиданоқ яхши ният билан сеп йиғилади. Яхши ният яхши, албатта. Лекин момоларимиздан қолган бир ўгит бор: "Келининг сепли бўлмаса ҳам, эпли бўлсин!" Қиз боланинг бирор касб-ҳунарни эгаллаши, оилавий ҳаёт, рўзғор юмушларида эпли бўлиши ёш оила мустаҳкамлигини таъминлашда жуда муҳим эканини унутмаслигимиз керак. Қизларни турмушга тайёрлаш масалаларига ота-оналарнинг эътиборини қаратиш, бу борада амалий чора-тадбирлар қўллаш учун маслаҳатчилар масъул деб ҳисоблайман.

Халқимиз "Маслаҳатли тўй тарқамас" деб бекорга айтмаган. Майли, тўйларимиз, "маҳаллада дув-дув гап" бўлмаса ҳам, ёшларимиз бахтли, оилалар мустаҳкам бўлсин. Жамиятимиз равнақи, келажагимиз учун шуниси муҳимроқ.

Шаҳримиздаги етмиш олтита маҳалланинг фуқароларини ўзаро қуда-андачилик ришталари боғлаб туради. Шундай бўлгач, ҳар бир йиғин мутасаддилари, фаол ва кайвонилари турли маросимлар ва тўйларни ўтказишда ҳамфикр бўлсалар, ҳар қандай дабдабага ўч кишиларни ҳам исрофгарчиликка йўл қўймасликка, ортиқча сарф-харажатларни чеклашга кўндириш мумкин бўлади. Зеро, эл аро довруғ таратиш, обрў топишнинг хайрли, савобга дахлдор йўллари ҳам бисёр. Энг муҳими, бундай хайрли тадбирлар кўпчиликка наф келтиради.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

Мўъжизакор дунё

ДИНОЗАВРЛАРНИНГ ЯНГИ ТУРИ

Портсмут университетининг докторанти Майк Тэйлор Лондондаги Табиатшунослик музейи захирасидаги динозавр қолдиқларини ўрганаётиб, 113 йил аввал нотўғри таснифланган суякларга дуч келди. Янги тадқиқотлардан келинган хулоса кўра, бу суяклар ҳамон фанга номаълум бўлган динозаврлар турига тегишли, дея хабар берилади Портсмут университетининг пресс-релизида.

Мазкур суяк қолдиқларини 1890 йилда Шарқий Сассексда олиб борилган қазилмалар пайтида Филип Жеймс топган. Палеонтолог Ричард Лайдеккер эса топилмани Шимолий Америкада кенг тарқалиб, ҳозирда қирилиб кетган ўсимликхўр динозаврларнинг йирик гуруҳи бўлмиш зауроподларга тегишли дея таъкидлаган.

Зауроподлар умуртқасини ўрганиш бўйича мутахассис бўлган М.Тэйлор бу қолдиқларни кўздан кечираётиб, унинг тури зауроподларникига тўғри келмаслигини пайқаган ва ўз тахминларига аниқлик киритиш учун текшириш ўтказган. Текшириш натижасида суяклар ҳақиқатдан ҳам зауроподга тегишли эканлиги, аммо фанга маълум бўлган турларнинг ҳеч бирига тўғри келмаслиги аниқланди. Шу боис олимлар динозаврларнинг янги турини кашф этиб, уни "Xenoposeidon proneneukus" деб номлашди.

ОБУНА — 2008

Азиз муштарий!
Сиз қадрдон ҳаммаслагингиз, фаолиятда ҳамкорингизга айланиб қолган "Mahalla" газетасига обуна бўлишни кечиктириб ўтирманг. Бугун "Mahalla"га обуна бўлишнинг айни вақти, эртага кеч бўлиши мумкин.

ЙПХ ходими: — Ҳа, акалар, машина бузилдими?
— Йўқ, машинамиз созку-я, тўйда ичиб ўзимиз носозроқ бўлиб қолдик-да...

А.ҲАКИМОВ чизган расм.

Товарищество собственников жилья "AK-DARYA-KOMMUNAL" расположенное по адресу: улица Ак-дарьинская, дом 120/1, зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Хамзинского района от 22 марта 2005 года реестровым номером 000037, ИНН-205544936, ликвидируется.

Решение о добровольной ликвидации №1 от 26.11.2007 года. Претензии принимаются в течении 1-го месяца по тел: 294-83-08.

Ҳамза тумани ҳокимининг 26.03.1998 йилдаги қарорига биноан П.Риёзий кўчаси 10/20 уйда жойлашган "Stomatolog-Shirin" хусусий корхонаси (ИНН 202530386 код ОКПО 17398455) 09.08.2007 йилдаги №6-сонли буйруққа асосан тугатилади. Даъволар 2 ой мобайнида қабул қилинади.

Mahalla

Таҳрир ҳайъати:
Анвар АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Шуҳрат РИЗАЕВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Чори ЛАТИПОВ, Фаррух БЎТАЕВ, (бош муҳаррир ўринбосари) Мавлуда ҚОСИМОВА, (масъул котиб) Бахтиёр РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ.

Таҳририят ўзи буюртма бермаган мақолалардан, хат, хабарлардан газета йўналишини ва уларнинг газета талабига жавоб беришини инобатга олган ҳолда имкон доирасида фойдаланади. Таҳририят унга ечим ясаш масъулиятига эга эмас.

Таҳририятга келган шикоят мактубларидан фақат таҳририят нуқтаи назари бўйича фойдаланилади. Таҳририят шикоятларга ечим излаш, хулоса ясаш ваколатига эга эмас.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Котибият — 136-55-69
Хатлар бўлими: 136-57-62

2007 йил 28 ноябрь 48 (598)

10792 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-1020 Топширилди — 22.40
1 2 3 4 6